# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 12

Чирокчи шахри                                                                                    «18» октябр 2022 йил

ООО XALILBEK ME`MOR, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувч Д.Даминова номидан, бир томондан ва Чирокчи туман 2-сонли касб хунар мактаби, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" де юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи С.Хидиров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагила хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан сотиб олувчига мулк килиб топшириш, сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.
1.2. Сотиб олинадиган товар (махсулот)ларнинг улчов бирлиги, сони, нархи ва бахосини ташкил этади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | блокнот ежедневник кора | 13 | шт | 30 000 | 390 000 |
| 2 | блокнот ежедневник жигарранг | 12 | шт | 30 000 | 360 000 |
| 3 | калкулятор дели 1672 | 5 | шт | 155 000 | 775 000 |
| 4 | ручка безпроблем орг 4800 | 50 | шт | 5 000 | 250 000 |
| 5 | скрипка стафф | 50 | шт | 2 000 | 100 000 |
| 6 | учиргич долфин ок | 50 | шт | 4 000 | 200 000 |
| 7 | кайчи мапед замок | 20 | шт | 10 000 | 200 000 |
| 8 | дыракол дели | 20 | шт | 60 000 | 1 200 000 |
| 9 | линейка мапед гел 30 см | 20 | шт | 15 000 | 300 000 |
| 10 | падушка 4 | 50 | шт | 6 000 | 300 000 |
| 11 | блокнот ялонг | 20 | шт | 70 000 | 1 400 000 |
| 12 | файл папка оргинал 100 дели | 30 | шт | 90 000 | 2 700 000 |
| 13 | офис журнал 200 в | 100 | шт | 30 000 | 3 000 000 |
| 14 | клей стик долфин 15гр | 105 | шт | 5 000 | 525 000 |
| 15 | ручка пиано 273 | 200 | шт | 3 000 | 600 000 |
| 16 | шрих дели 7287 | 20 | шт | 6 000 | 120 000 |
| 17 | степлер дели 0260 | 30 | шт | 21 000 | 630 000 |
| 18 | скотч 4,5-100 | 20 | шт | 17 000 | 340 000 |
| 19 | оргайзер эгзакт 010 | 10 | шт | 110 000 | 1 100 000 |
| | Жами: | x | x | x | 14490000 |

## 2. ТЎЛОВ АРТЛАРИ.

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 14490000 (Ун турт миллион турт юз туксон минг) сумни ташкил этади.
2.2. «Сотиб олувчи» мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 календар куни ичида конунчиликка мувофик шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни товарни олгандан сўнг 15 календар куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва бошкалар асосида тўлайди.
2.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига 30 % микдорида олдиндан бўнак ўтказилган кундан бошлаб 10 календар куни ичида етказиб беради.
3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофик сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини кайтариб беради.
3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
3.2.1. Қабул килиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни микдори, сифати ва бутланиши бўйича кабул килиб олади.
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аникланган такдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор килади.
3.2.3. Шартномада белгиланган микдорда, тартибда ва муддатда товар ҳакини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.2. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги микдорда жарима тўлайди:
5.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % микдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.
5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нови лозим даражада булмаган товарлар кийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 20 % микдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар хакини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун сотиб олувчи хар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.
5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси
етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килиюнди.
5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амал килади.
6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор килиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўзбекистон Республикаси конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Ўзбекистон Республикаси «Фукаролик кодекси» ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги конуни хамда бошка конун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида хал қилинади.

## 8.ФОРС – МАЖОР.

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органларининг карорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошка табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги" ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР.

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.
9.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.
9.3 Мазкур шартнома 2 нусхада тузилиб имзоланиб Жомбой туман буйича Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| «Сотувчи» | «Сотиб олувчи» |
|---|---|
| ООО XALILBEK ME`MOR | Чирокчи туман 2-сонли КХМ |
| *(мол етказиб берувчининг номи)* | *(бюджетдан маблағ олувчининг номи)* |
| Манзил: Чирокчи туман | Манзил: Чирокчи туман Бешчашма ММТП |
| х/в 20208000905102101001<br>СТИР: 306583569, МФО: 00689<br>Банк номи: ЛТ Халк | ш/х* 100010860102427092901079002<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200707269<br>Ғазна х/в: 23402000300100001010<br>Банк номи: Тошкент шахар МБ Тошкент шахар ХККМ<br>МФО: 00014, Газначилик булинмаси СТИРи 201122919 |
| Рахбар: Д. Даминова | Рахбар: С. Худойкулов |
| (имзо) | (имзо) |

"XALILBEK ME'MOR" MASULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI CHIROQCHI TUMANI

Ушбу шартнома Узбекистон қонунлари асосида тўғри тузилган
Юрист Н. Турдиев

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Чирокчи туман 2-сонли касб хунар мактаби рахбари

________________ С.Хидиров

18.10.2022 йил № 10 Чирокчи туман

Чирокчи туман 2-сонли касб хунар мактабини канцелярия махсулотлари билан таъминлаш учун танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

## ТАНЛОВ КОНКУРС Б А Ё Н И :

Комиссия раиси: ________________

АЪЗОЛАРИ:

________________ ________________

________________ ________________

________________ ________________

________________ ________________

**Кун тартибида куриладиган масала:**

Чирокчи туман 2-сонли касб хунар мактабини канцелярия махсулотлари билан таъминлаш учун 2022 йил октябр ойлари товар етказиб берувчилар билан шартнома килиш ва шартномани тасдиклаш тугрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, касб хунар мактабини канцелярия махсулотлари билан таъминлаш бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар куйидагича:

Танлов конкурс буйича 2022 йил 12 октябр кунида лот № 159488 сонли протокол эълон куйилгандан кейин 2 та ташкилот узини таклифлари билан катнашди ва энг юкори балл ООО XALILBEK ME`MOR олди ва 2 кун мухокамада куйилди хамда бошка эътирозлар булмагандан кейин ООО XALILBEK ME`MOR билан шартнома тузилди.

## ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. ООО XALILBEK ME`MOR ғолиб деб топилсин.

2. ООО XALILBEK ME`MOR томонидан тавсия этилган канцелярия махсулотларини шартнома тузиб олиб келишини хужалик мудири ________________га топширилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош хисобчи О.Бойназаровга юклатилсин.

Комиссия раиси: ________________

АЪЗОЛАРИ:

________________ ________________

________________ ________________

________________ ________________

________________ ________________